

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 415-ҳадис

415 - وَعَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا سَيُكَلِّمُهُ رَبُّهُ لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ تَرْجُمَانٌ، فَيَنْظُرُ أَيْمَنَ مِنْهُ، فَلَا يَرَى إِلَّا مَا قَدَّمَ، وَيَنْظُرُ أَشْأَمَ مِنْهُ فَلَا يَرَى إِلَّا مَا قَدَّمَ، وَيَنْظُرُ بَيْنَ يَدَيْهِ، فَلَا يَرَى إِلَّا النَّارَ تِلْقَاءَ وَجْهِهِ، فَاتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 7512، م 1016/67].

415. Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Сизлардан ҳеч ким йўқки, (қиймат куни) Робби у билан ўртада ҳеч бир таржимонсиз гаплашмаса. У ўнг томонига қараб, ўзи қилган ишларнигина кўради. Чап томонига қараб ҳам ўзи қилган ишларнигина кўради. Олдига қараганда эса рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Шунинг учун яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар».**

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: «Аъмаш Амр ибн Муррадан, у Хайсамадан худди шуни ривоят қилиб, унга **«Биргина ширин сўз билан бўлса ҳам (дўзахдан сақланинглар)»**ни қўшимча қилган».

Дунёнинг олови ила дўзах оловининг ўртасида бир неча фарқ бор. Бир фарқ шуки, дўзах олови дунё оловидан етмиш баробар иссиқроқ эканлиги ҳадиси шарифларда келади. Яна бир фарқ шуки, дунёнинг олови яхши бандани ҳам, ёмон бандани ҳам куйдиради. Умумий қоида шудир. Чунончи, Мусо алайҳиссаломнинг тиллари, оғизларига чўғ солингани сабабли куйган эди. (Шунга бироз дудуқланиб гапирар эдилар.) Чунки, Аллоҳ таолонинг умумий қоидаси шудир. Ҳа, агар Аллоҳ таоло хоҳласа бу дунё олови ҳам бандани куйдира олмайди. Масалан, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида оловга шундай [амр қилди](#):

Яъни: «Эй олов, сен Иброҳимга салқин ва саломатлик бўл!» (Анбиё сураси, 69-оят)

Лекин бу Аллоҳ таолонинг қудрати эди. Аллоҳ таолонинг умумий қоидаси шуки, дунё олови куйдиради. Яхши одамни ҳам куйдиради, ёмон одамни ҳам куйдиради. Лекин дўзах олови фақат гуноҳкорларни куйдиради ва солиҳ бандаларга зарар бермайди. Яна бир фарқ шуки, дунё олови сув билан ўчади. Дўзах олови эса, гуноҳкор мўмин банданинг кўзларидан чиққан кўз ёшлари билан ўчади. Мўминнинг иймон нури жаҳаннам оловини ўчириб юборади. Шунинг учун, мўмин банда дўзах устига қурилган сирот кўпригидан ўтаётганда, дўзах шундай нидо қилади:

«Эй, мўмин банда! Устимдан тезроқ ўт. Чунки, сенинг иймон нуринг менинг оловимни ҳам ўчириб юборди». (Абу Наъим ривояти)

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Қиёмат кунида дўзах аҳли тортадиган азобнинг энг энгили – ўтдан кавуш кийиш, кавушнинг ҳарорати мияни қайнатади» (муттафақун алайҳ).

Бас, шундай экан, бу азобларни ўзига энгил санаётганлардан қандай ажабланмаслигинг мумкин?!

У азобларни ўзига шиддатли билаётган инсондан эса нега ибратланмайсан?!

Жаҳаннам азобининг шиддатидан шубҳага бораётган бўлсанг, қани, бармоғингни ўтга яқинлаштир ва жаҳаннам азобини шунга қиёс эт. Энди билгинки, сен бу қиёсда адашдинг. Чунки, дунё олови жаҳаннам оловига ўхшамайди. Аммо бу дунёда энг қаттиқ жисмоний азоб ўтнинг куйдиришидир. Шу азоб орқали жаҳаннам нелигини англагандай бўламиз. Лекин бу англаш нақадар ноқис! Агар жаҳаннам аҳли дўзахда дунё оловини топса, жаҳаннам оловидан қочиб, ўзларини дунё оловига урган бўлар эдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом жаҳаннам оловини шундай сифатлайдилар: «Аллоҳ таоло жаҳаннамга минг йил ёнишни буюрди, ҳатто олов қизарди. Кейин яна минг йил ёнишга буюрди, олов оқарди. Сўнг яна минг йил ёнишга буюрди, олов қорайди. Жаҳаннам қоп-қора, зимистондир» (Термизий ривояти).

«Уларнинг юзларини ўт куйдириб, бадбашара бўлиб қолгувчидирлар» (Мўминин сураси, 104) ояти хусусида олимларидан бири дейди: «Бу жаҳаннам оловининг бир марта куйдиришидир. Шу куйдиришда этлар суякдан ажраб, тўпиққача шилиниб тушади».



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI